Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, uzss@yandex.ru • 2020 йил 11 сентябрь • № 34 (1315)

*Ҳамкорлик алоқалари*

# КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШДА ЯНГИ ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

***Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов ҳозирда юртимизда бўлиб турган хитойлик шифокор ва мутахассислардан иборат делегация билан учрашди.***




Унда айтиб ўтилганидек, ўтган йили апрель ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига ташрифи давомида қатор соҳалар қаторида соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш бўйича қатор келишувларга ҳам эришилган эди. Ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, ҳозирги пандемия билан боғлиқ бўлган вазиятда икки давлат ўртасида ушбу йўналишда самарали ҳамкорлик янада ривожланиб бораётгани қайд этилди.

Мулоқотда хитойлик мутахассисларнинг юртимиз тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда "COVID-19" пандемияси кенг тарқалишининг олдини олиш, уни назорат қилиш ва даволаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлари эътироф этилди. Шунинг баробарида хитойлик мутахассислар юртимизда коронавирус пандемиясига қарши курашда яхши натижаларга эришилаётганлиги, шунингдек, халқ табобати борасида яхши анъаналар шаклланганлиги, айниқса, буюк табиб Абу Али ибн Сино илмий мероси, асарлари Хитойда ҳам қўлланма сифатида кенг фойдаланилишини эътироф этишди.

Эътиборли жиҳати, учрашув доирасида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Beizhong Yilin Pharm Tech (Beijing) Co. Ltd." фармацевтика компанияси ўртасида халқ табобатини ривожлантириш, бу борада илмий изланишлар олиб бориш ҳамда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича шартнома ҳам имзоланди. Унда мамлакатимизда халқ табобатини ривожлантириш борасида қатор вазифалар белгиланди. Жумладан, ўзбек ва хитой халқ табобатини ўзаро уйғунлаштириб, соҳада самарали қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳам ташхис қўйишда, ҳам даволашда унумли фойдаланиш, шунингдек, юртимизда яқин ойларда Хитой халқ табобати марказини очиш, мутахассисларимизни коронавирусга қарши курашда Хитой тажрибаси бўйича ўқитиш, малакасини ошириш каби йўналишлар мазкур шартномада ўз аксини топган.

**Учрашув сўнггида хитойлик мутахассислар томонидан "COVID-19"га қарши Хитойда муваффақиятли қўлланилган анъанавий хитой табобати усулида тайёрланган дори воситаларининг дастлабки қисми тақдим этилди.**

**Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги Матбуот хизмати.**

*Актуальная тема*

# «ЖДЕМ И ГОТОВИМСЯ КО ВТОРОЙ ВОЛНЕ»

***Замминистра здравоохранения Узбекистана о национальных особенностях борьбы с эпидемией и помощи***

Ташкент рассматривает возможность закупать российские вакцины от коронавируса и мониторит эпидемиологическую ситуацию за рубежом, изучая возможность возобновления авиасообщения. Об этом в интервью "Ъ" рассказал Баходир Юсупалиев, директор Агентства санитарно-эпидемиологического благополучия при Минздраве и первый заместитель министра здравоохранения. Узбекистана. С 5 сентября в стране начался новый этап снятия карантинных мер: открываются школы, кафе и рестораны, театры и кинотеатры, возобновляются службы в мечетях и работа маршрутных такси. В борьбе с эпидемией Узбекистану помогали и российские медики.

**— С 5 сентября в республике поэтапно снимается целый ряд ограничений, открываются для коллективной молитвы мечети, начинают работать рестораны. А как с возобновлением авиасообщения с другими странами, в том числе с Россией? Вы ведь привлечены к рассмотрению этого вопроса?**

— Конечно. Решения республиканской комиссии по возобновлению авиасообщения и определению порядка въезда и выезда граждан принимаются с учетом мнения эпидемиологов.

Что касается въезда и выезда, на первых порах мы ввели жесткие карантинные меры, и все въезжающие в республику направлялись в карантинную зону. Сейчас эти меры ослаблены, и карантин можно пройти в гостинице или на дому. Мы наблюдаем въезжающих на протяжении 14 дней, и при отсутствии заболевания человек спокойно передвигается дальше по республике.

Кроме того, у нас есть порядок, в соответствии с которым мы определяем, где (за рубежом.— "Ъ") выявляется меньше новых случаев и случаев на душу населения, где достаточно серьезно проводится ПЦР-обследование, чтобы были достоверные результаты по заразившимся. В соответствии с этим анализом принимается решение по открытию авиасообщения. Это динамичный процесс, думаю, дальше границы будут открываться все шире.

**— В сентябре авиасообщение с РФ может возобновиться?**

— Я бы сказал: может быть, и в сентябре. Но вы поймите, мы держали карантин два месяца с 15 мая, потом было послабление, и в результате мы получили новый всплеск, рост заболеваемости и вынуждены были ввести очередной карантин до 15 августа. С 15 августа его несколько ослабили, и новые послабления введены с 5 сентября. Мы, как и все страны, открываем школы, дошкольные учреждения. И нам нужно время, чтобы теперь оценить ситуацию в республике. Если заболеваемость будет снижаться, это создаст предпосылки для возобновления авиасообщения.

**— Сдать тест в Узбекистане может любой желающий?**

— Проблем с этим нет. Платно в частном секторе можно спокойно это сделать, в принципе в государственном секторе, в санэпидслужбе,— тоже. Можно даже и без симптомов, но в первоочередном порядке — людям, контактировавшим с больными, и тем, у кого видны какие-то признаки начинающегося заболевания.

**— В Узбекистане рассматривают возможность использования вакцин против коронавируса, созданных в России и Китае. Они конкурируют между собой?**

— Мы все понимаем, что в борьбе с коронавирусной инфекцией нам необходимы либо коллективный иммунитет, либо вакцинация, которая также приведет к иммунизации населения. Поэтому, конечно, Министерство здравоохранения и правительство прорабатывают вопросы о вакцинации.

Ряд других стран, в том числе КНР, обратились к нам с предложением принять участие в третьей стадии клинических испытаний той или иной вакцины. Сейчас коллеги рассматривают вопрос, участвовать ли в третьей стадии или приобрести вакцину уже после успешного завершения всех испытаний.

Мы рассматриваем и российскую вакцину. Мы знаем, что в России она уже зарегистрирована и проходит третью стадию клинических испытаний.

Мы готовы своевременно приобрести препараты для вакцинации населения, и большое значение имеют безопасность и эффективность вакцины.

**— Когда может быть принято решение, например, по российской вакцине?**

— Процесс обсуждения на уровне специалистов и правительства продолжается. Наверное, недели через две возможно какое-то решение.

**— У вас предусмотрены средства на закупку в бюджете или вы заинтересованы в кредите?**

— Сейчас правительство прорабатывает вопрос выделения средств для приобретения вакцины.



**— В связи с пандемией с конца августа в Узбекистане работают российские специалисты, около 40 врачей-инфекционистов, специалистов разного профиля. Что на практике это вам дало?**

— Мы интенсивно сотрудничаем со многими коллегами из-за рубежа, в том числе из Китая, Германии, Турции и, естественно, из России. По приглашению нашего правительства наши российские коллеги уже больше двух недель работают в Узбекистане.

Мы признательны российским коллегам, и Министерству здравоохранения, и Роспотребнадзору. Попросили — сразу же откликнулись, приехали мастера своего дела, с нами сейчас работают, нам оказывают поддержку и помощь. Кроме того, мы постоянно чувствуем поддержку в плане, напри-

**(Продолжение на 2-й стр.)**

Электрон манзилимиз: uzss@yandex.ru @uzssgzt

*Актуальная тема*

# «ЖДЕМ И ГОТОВИМСЯ КО ВТОРОЙ ВОЛНЕ»

мер, поставки тест-систем для диагностики (сейчас мы наладили их производство, но было время, когда мы в них нуждались). Наконец, в начале пандемии мы закупили у наших коллег из РФ аппараты ИВЛ. За все это мы признательны.

В Узбекистане сейчас находятся прежде всего клиницисты из России — врачи, которые работали с COVID-19, реаниматологи, инфекционисты, кардиологи.

Врачи находятся на передовой и вместе с нашими коллегами участвуют в лечении больных, это реальная практическая помощь, усовершенствование тактик, протоколов лечения больных. Ваши эпидемиологи побывали не только в Ташкенте, но и практически во всех регионах нашей страны. Коллегам на местах они дают советы по лечению, ведению, диагностике больных, а также организации эпидемиологического процесса. То есть консультируют в вопросах эпидемиологии этого заболевания, в правильности организации лабораторной службы, правильности поточности больных, логистики, доставки проб, в вопросах организации стационаров, а также оптимального использования коечного фонда стационаров. Эта работа положительно повлияет не только на медицину, но и на сотрудничество в сфере науки и образования.

— **Кстати, весной обсуждали, поможет ли жара бороться с распространением вируса. У вас сложилось понимание, так ли это? Все-таки у вас летом обычно очень жарко.**

— В период жары заболеваемость не понизилась, наоборот, в Узбекистане в конце июля—начале августа мы зарегистрировали большее количество больных, и большее количество больных — с тяжелыми формами. Возросла нагрузка на стационары. То есть увязывать поведение вируса с температурой воздуха я бы не стал.

Сейчас пик заболеваемости мы пережили, ситуация стабилизировалась, но это не означает, что мы не будем ожидать очередного всплеска заболеваемости, связанной с острыми респираторными инфекциями в период осенне-зимнего периода. Поэтому мы продолжаем наращивать готовность в плане борьбы с пандемией.

— В социальных сетях ходили слухи, что Узбекистан обещает заплатить $3 тыс. каждому гостю страны, который заразится там COVID-19. Это правда?

— Нет, если туристы прибывают и заболевают, мы их так же, как и наших граждан, госпитализируем, оказываем экстренную медицинскую помощь, вот и все.

— Даже после 5 сентября, когда открылись рестораны, банкеты по-прежнему запрещены. Но ведь в Узбекистане есть традиция пышных праздников, застолий. Как вам удается с этим справляться?

— Да, в наших традициях свадьбы — это общение с родными и близкими. Но в условиях ограничений население, конечно же, придерживалось принятых мер.

Сейчас, например, свадебные торжества у нас также проводятся, но не более чем на 30 человек.

Санитарно-эпидемиологическая служба и органы внутренних дел будут контролировать этот вопрос. Кроме того, у нас особая структура есть — махалля (форма местного самоуправления.— "Ъ"), которая также будет вовлечена в процесс, чтобы проследить, чтобы не было нарушения этих правил. Немаловажное значение имеет и пропаганда санитарных норм и правил, правильного проведения этих торжеств.

— **Второй волны вы ждете?**

— Да, ждем и готовимся к ней. Осень—зима — это наслоение других инфекций, в том числе гриппа, ОРВИ. Карантинные меры практически все ослаблены, контакты между людьми увеличиваются, открываются школы, вузы, детсады.

— **Информация о распространении вируса в странах Центральной Азии появилась не сразу. Туркмения, например, до сих пор утверждает, что больных в стране нет. Сейчас, оглядываясь назад, хочется спросить: вы для себя в начале эпидемии ставили такой вопрос? Раскрывать ли сразу цифры, давать ли статистику? Или это все решал глава государства?**

— Если вы следите за ситуацией в Узбекистане, то видите, что под руководством главы государства Шавката Мироновича (Мирзиёева.— "Ъ") мы стали открытым, доступным обществом. Все контакты, которые возобновились на протяжении последних трех лет, также говорят о том, что в принципе страна стала открытой, доступной, чего раньше, можно сказать, не было. Мы достигли максимальной открытости и демократии в своем обществе. Какого-то стремления скрыть ситуацию, не показывать факты нет. Приведу простой пример. Когда в начале сентября мы собирались открыть школы, наш уважаемый президент говорил, что он будет привлекать, если надо, к уголовной ответственности тех лиц, которые будут скрывать факты заболеваемости коронавирусной инфекцией. То есть мы, наоборот, стараемся провести соответствующий анализ ситуации, чтобы принять правильные адекватные решения по борьбе с коронавирусной инфекцией. Поэтому в принципе мы и не скрывали, что у нас пошел пик, не скрывали, что в июле—начале августа мы находились в очень напряженной ситуации по распространению инфекции. Но благодаря принятым мерам, благодаря работе первичного звена здравоохранения, мобильных бригад, строительству дополнительных больниц, организации мы стабилизировали ситуацию, и, даст Бог, пусть она так же продолжается.

(Окончание.
Начало на 1-й стр.)

**Галина ДУДИНА.**
**Кирилл КРИВОШЕЕВ.**

# БОШ ДАВЛАТ САНИТАРИЯ ИНСПЕКТОРИ НУРМАТ ОТАБЕКОВ КОРОНАВИРУСНИ ҚАНДАЙ ЮҚТИРИБ ОЛГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ

***"Коронавирусга чалинмайман", деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Бу ҳақда Ўзбекистон бош давлат санитария инспектори, профессор Нурмат Отабеков "Shifobaxshuz" телеграм каналига берган интервюсида айтиб ўтди.***

Суҳбат чоғида Нурмат Отабеков коронавирусни қандай қилиб юқтириб олганини маълум қилди.

"Мен тўрт ой бадалига ўзимни эҳтиёт қилдим. Республика санитария-эпидемиология осойишталиги агентлиги биносида бевосита фаолият юритганимиз боис, қолаверса, у ерда бир неча ўнлаб касалликка чалинган ходимлар рўйхатга олинганлиги туфайли, мулоқот орқали касалликни юқтириб олдим. Ўз саломатлигимга эътиборсизлик қилмасдан, ҳушёр бўлганлигим сабабли касаллик бошланиши давридаёқ аниқланди. Бу эса ўз йўлида жиддий асоратларсиз даволаниб кетиш имкониятини берди. Шунинг учун биз ҳаммамиз ўз соғлиғимизга масъулият билан ёндашишимиз керак деб ўйлайман", – **деди профессор.**

Бош давлат санитария инспекторининг алоҳида таъкидлашича, атрофда шундай касаллик кўзғатувчиси бор экан, "касалликка чалинмайман" деб ҳеч ким кафолат бера олмайди.

"Шундай экан кимки бу дардга чалинган бўлса, ҳаммаси шифо топишига умидворман ва шундай ният қилиб қоламан. Фақат бу касалликни енгиш учун одамда ички бир ишонч, хоҳиш, интилиш ва ирода бўлиши керак. Қачонки одам тушкунликка тушар, ғамга ботар ва курашмас экан ушбу шахс мазкур касалликдан енгилиши мумкин. Шунинг учун яхши, ижобий кайфиятнинг ҳукм суриши, тўйимли овқатланиш, тузалиб кетишга бўлган интилиш ва хоҳишнинг мавжудлиги – касалликдан эллик фоиз тузалишга имконият яратилди дегани. Негаки, мен шифохонада даволаниш пайтида касалликни енга олмай, тушкунликка тушиб, ҳаракат қилмасдан, интилмасдан, касаллик олдида ожизлигини кўрсатиб, тиббиёт ходимларининг тавсияларига қулоқ тутмасдан аҳволи оғирлашиб қолган, ҳатто ҳаётдан кўз юмган одамларни ҳам кўрдим", – **деди мутахассис.**



**Аввалроқ, Нурмат Отабеков коронавирусдан даволаниб чиққанидан сўнг ўзида кечирган ҳолатлар ҳақида маълумот берган эди.**

# ЎЗБЕКИСТОН – ҲИНДИСТОН: ТИББИЁТ ЙЎНАЛИШИДАГИ ҚЎШМА ЛОЙИҲАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

***Ўзбекистонда тиббиёт тизимини такомиллаштириш, уни илғор стандартлар асосида ташкил этиш, соҳага хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.***

Мамлакатимизнинг Деҳлидаги элчихонаси томонидан Ҳиндистоннинг "Pratiksha Hospitals Group" компанияси бошқаруви директори Нишант Бажаж билан ўтказилган учрашув ҳам шу йўналишдаги ишлардан бўлди.

Ҳиндистонлик тадбиркор "Pratiksha Hospitals" клиникаси билан Самарқанд шаҳрида кардиологияга ихтисослашган замонавий тиббиёт маркази қуриш лойиҳаси амалга оширилаётгани ҳақида тўхталиб ўтди.

"Қарийб 6 ойдан буён бутун дунёда давом этаётган пандемия туфайли юзага келган қийинчиликларга қарамасдан ўзбекистонлик ҳамкорлар билан қўшма лойиҳамизни жадал давом эттираяпмиз. Режага кўра биринчи босқичда 80 ўринли шифохона ўз фаолиятини бошлайди. Лойиҳани 2020 йил охирига қадар тўла якунлашни режалаштирганмиз", – **деди Н.Бажаж.**

"Pratiksha Hospitals Group" томонидан Самарқанд шаҳрида яқин келажакда яна бир қўшма лойиҳа – замонавий кўп тармоқли шифохона қуришга тайёргарлик кўрилмоқда. Бундан ташқари, ҳинд компанияси Термиз шаҳрида замонавий диагностика маркази ва клиника ташкил қилиш бўйича маҳаллий ҳамкорлар билан ишларни давом эттирмоқда.





**ЎзА.**

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

*Халқаро эътироф*

# COVID-19ГА ҚАРШИ КУРАШДА ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚА ДАВЛАТЛАРИГА ЎРНАК БЎЛДИ

***Туркиянинг етакчи нашрларидан бири – “Haberturk” Ўзбекистонда коронавирус пандемиясига қарши кураш бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар минтақа давлатларига ўрнак бўлаётгани ҳақида мақола эълон қилди. Унда, жумладан, шундай дейилади:***

Коронавирус хуружи яна кучайиши туфайли кўплаб мамлакатларда ушбу касалликка чалинганлар ва ўлганлар сони ортмоқда. Ўзбекистон эса ўзининг дастлабки чоралари билан эътиборга тушган эди.

Коронавирус пандемиясининг илк кунларидан бошлаб



Ўзбекистон ҳукумати бошқа мамлакатлардан фарқли равишда Наврўз каби оммавий байрамлар ва мактаблар фаолиятини тўхтатди. Бошқа мамлакатлар билан ҳаво ва қуруқлик йўллари ёпилди, поездлар қатнови тўхтатилди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев пандемия бошланиши билан фуқароларнинг яшаш шароитларини яхшилаш ва иқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган жами 14 банддан иборат қарорни имзолади.

Эпидемия бутун дунёга тарқалиши билан Ўзбекистон ҳукуматининг унга қарши ўз вақтида кураш бошлагани минтақа мамлакатларига қараганда йўқотишлар жуда оз бўлишини таъминлади. Эпидемия тарқалиш тезлиги пасайиб вазият бироз яхшилангандан сўнг, яна касалланиш кўрсаткичи орта бошлади. Янги ҳолатлар сонининг кўпайиши ҳукуматни карантин чораларини яна кучайтиришга мажбур қилди. Мамлакатда пандемиянинг тарқалиш тезлигини камайтириш мақсадида вазият назоратга олинди.

Мамлакат ҳукумати томонидан ажратилган маблағлар тиббиёт тизимини мустаҳкамлашга, шахсий гигиена воситалари ва бошқа тиббий асбоб-ускуналар харид қилишга сарфланди.

Инқирозга қарши чоралар доирасида Молия вазирлиги томонидан 10 триллион сўм (1 миллиард АҚШ доллари) миқдорида Инқирозга қарши кураш жамғармаси ташкил этилди. Бугунги кунга қадар ушбу фонддан 5 293 миллиард сўм (520 миллион доллар) миқдорида маблағ сарфланган. Бундан ташқари, коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олиш учун қўшимча инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 746 миллиард сўм (74 миллион доллар), қўшимча инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун 1 741 миллиард сўм (170 миллион доллар), аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун 641 миллиард сўм (62 миллион доллар), иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш учун 2 166 миллиард сўм (210 миллион доллар) ажратилди. Ушбу чора-тадбирлар натижасида 500 мингдан ортиқ корхона ва 8 миллион нафар фуқарога кўмак берилди, вилоятларда бу кўрсаткич 30 триллион сўмни (3 миллиард АҚШ доллари) ташкил этди.

Бугунги кунда минтақадаги давлатлар билан таққослаганда, Ўзбекистонда коронавирусдан соғайиш кўрсаткичи юқори, янги ҳолатлар нисбатан кам. Мамлакатда касалликка чалиниш ҳар юз минг кишига 35 нафардан тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич Россияда 484, Беларусда 681, Қозоғистонда 291, Қирғизистонда 143 ва Арманистонда 1024 кишини ташкил этмоқда. 34 миллион аҳолига эга Ўзбекистонда касалланиш кўрсаткичи 18,5 миллион аҳолига эга бўлган Қозоғистонга нисбатан 5 баравар кам.

Мамлакатда коронавирус инфекциясидан ўлим даражаси жуда паст – 0,4 фоиз. Бу Қирғизистон ва Қозоғистон каби қўшни давлатларга қараганда 2-3 баравар кам дегани. Ушбу кўрсаткич Россияда 1,5, АҚШда 4, Бразилия ва Ҳиндистонда 3 фоизни ташкил этмоқда.

**Ўзбекистон бунга қандай эришди?**

Ўзбекистонда коронавирусга чалинган фуқароларни аниқлаш ва уларга зарур ёрдам кўрсатиш тўлалигича давлатнинг зиммасида. Коронавирусга қарши курашга жами 1,7 триллион сўм (1,7 миллиард доллар) ажратилди. Ҳар бир беморга ўртача 32,3 миллион сўм (3200 доллар), интенсив терапия йўли билан даволанувчилар учун 64,4 миллион сўм (6300 доллар) сарфланади. Fair Health маълумотларига кўра, АҚШда коронавирус билан касалланганлар учун 73,3 минг доллар, агар уларнинг суғуртаси бўлмаса, 38 минг доллар сарфланади.

Пандемия даврида Ўзбекистон ҳукумати соғлиқни сақлаш ходимлари учун 878 минг дона комбинезонлар етказиб берди. Шу билан бирга Тошкент шаҳридаги 4 637 ўринли 16 та тиббий марказларнинг 3 580 та ўрнини COVID-19 билан касалланганларга ажратди. Вилоятларда коронавирус билан касалланганлар учун жами 3 367 ўринли 22 та шифохона ажратилган. Пандемия даврида 7 130 та захира ўрин фойдаланишга топширилди, Тошкентда очилган юқумли касалликлар шифохонасида тахминан 2000 нафар беморни даволаш имконияти яратилди. Шунингдек, мамлакат бўйлаб 10 минг кишига мўлжалланган карантин марказлари ташкил этилди.

**Иқтисодиёт доимий қўллаб-қувватланмоқда**

Ўзбекистон ҳукумати иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш учун аввал даромад солиғини нолга туширди. Соғлиқни сақлаш ва божхона тўловлари, айниқса, пандемиядан зарар кўрганлар учун тўловлар муддатлари кечиктирилди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари рағбатлантирилди, тадбиркорлар ер ва мол-мулк солиғидан озод қилинди.

Ушбу даврда хизмат кўрсатиш соҳасида 60 фоиз ва ишлаб чиқариш соҳасида 77 фоиз корхоналар фаолияти сақлаб қолинди. Май ойи ўрталаридан бошлаб кичик ва ўрта бизнесга етадиган зарарнинг олдини олиш бўйича



босқичма-босқич чоралар кўрилмоқда.

Мавжуд корхоналар фаолиятини рағбатлантириш ва янгиларини очиш орқали 3 ой ичида 374 минг киши иш билан таъминланди. 33 минг кам таъминланган оилага ва 27 минг ишсиз фуқарога 10 миллиард сўм (1 миллион АҚШ доллари) миқдорида моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Халқаро институтлар маълумотларига кўра, пандемия туфайли барча мамлакатларда иқтисодий ўсиш пасайган, Ўзбекистонда эса ўсиш кўрсаткичи сақланиб қолмоқда. Жаҳон банкининг апрель ойидаги маълумотларига кўра, 2020 йилда Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш 1,6, Fich Ratings талқинига кўра 2 фоизни ташкил этади. ЕТТБнинг май ойидаги маълумотларига кўра, Ўзбекистон иқтисодиёти 1,5 фоизга ўсиши мумкин.

Умуман, пандемия бошлангандан сўнг мамлакатда ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар туфайли иқтисодий инқироз бир ойдан ошмади. Ўзбекистонда карантин чекловларни босқичма-босқич юмшатиш ва ҳаётни тиклаш жараёни давом этмоқда.

**Ташқи савдо алоқалари тўхтаб қолгани йўқ**

**Бугун Ўзбекистон барча соҳаларда** жадал суръатларда ривожланмоқда. Мамлакат бўйлаб ташқи савдо алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Шу ўринда, йирик иқтисодиётга эга Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон билан ҳамкор мамлакатлар орасида биринчи ўринда туришини қайд этиш жоиз. Ҳамкорлик доирасидаги икки томонлама муносабатлар кўламини қуйидаги рақамларда ҳам кўриш мумкин: 2019 йилда икки мамлакатнинг ўзаро савдо ҳажми 2018 йилга нисбатан 44 фоиз ўсган.

Пандемияга қарамай, қайд этилган юқори кўрсаткичлар ўзаро муносабатлар узоқ муддатли стратегик аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг амалий ва узоқни кўзлаб юритаётган иқтисодий сиёсати самараси экани ва мавжуд салбий вазият вақтинчалик эканидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг ички ва ташқи иқтисодий сиёсати дунё ҳамжамияти эътиборини тортмоқда. Экспертлар Ўзбекистоннинг ўзгараётгани ва ташқи сиёсатдаги ютуқларини эътироф этмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатнинг жаҳон ҳамжамияти билан бирлаша бошлаганини англатади.

**Манба: Haberturk.**

*Ҳамкорлик уфқлари кенгаймоқда*

# ФИНЛЯНДИЯЛИК СТОМАТОЛОГЛАР ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТАЛАБАЛАРГА ДАРС БЕРАДИ

***Тошкент давлат стоматология институтида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Ташқи ишлар вазирликлари ва Финляндиянинг консуллиги ҳамкорлигида 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб, Финляндиянинг JAMK амалий фанлар университети билан ҳамкорликда “Соғлиқни сақлашда менежмент” магистратура қўшма таълим дастури фаолияти йўлга қўйилди.***

Шу муносабат билан “Zoom” платформаси орқали ўтказилган конференцияда JAMK амалий фанлар университети кўп тармоқли олий таълим муассасаси экани, унда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий изланишлар тизимида миллий ва халқаро аҳамиятга эга бўлган илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилиши таъкидланди.

– Мазкур дастур доирасида Финляндия мутахассислари юртимизга келиб, институтимиз кафедралари ва клиник базаларида дарс олиб боришади, **– деди Тошкент давлат стоматология институти ректори Нодир Ҳайдаров.** – Магистратура талабалари ўз навбатида ҳар бир курсда бир ойлик малакавий амалиётни Финляндиянинг етакчи даволаш-профилактика муассасаларида ўтайди.

Шуниси аҳамиятлики, магистратура таълим дастурини муваффақиятли ўзлаштирган ва диссертацияни ёқлаган битирувчиларга иккита, яъни Тошкент давлат стоматология институти ва JAMK амалий фанлар университети дипломи берилади.

Ана шундай келажакка йўналтирилган, замонавий талабларга жавоб берадиган янги таълим тизимининг яратилиши давлат инновацион ривожланишининг муҳим шартларидан бири бўлиб, жамиятнинг динамик иқтисодий ўсиши ва ижтимоий ривожланишининг асоси, фуқаролар тиббий хафвсизлигининг муҳим омилидир.



Соҳа раҳбарлари ва етакчи мутахассисларини бирлаштирган конференцияда стоматологик ёрдамни такомиллаштириш, диагностика, профилактика, фанлараро ўзаро алоқаларга бағишланган стоматологиянинг долзарб масалалари маҳаллий ва чет эллик мутахассислар томонидан муҳокама қилинди. Тадбирда амалиётчи шифокорлар, талабалар иштирок этди.

**Моҳигул ҚОСИМОВА.**
**Сурат муаллифи Муҳаммад Амин.**

*Умр йўли – ибратли мактаб*

# ЭЛ АРДОҒИДАГИ АТОҚЛИ ХИРУРГ

***Халқаро миқёсда танилган ва элимиз ардоғидаги атоқли ташкилотчи, моҳир хирург, Олий тиббий таълим ва Соғлиқни сақлашни ташкил қилишнинг таниқли намояндаси, "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби, тажрибали устоз, профессор Азамат Шамсиев айни кунларда қутлуғ 75 ёшни қаршиламоқда.***



**ЭЪТИБОР БЕРИНГ**

**У Нью-Йорк Фанлар академияси, Россия медицина-техникаси академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ижевск тиббиёт академияси фахрий академиги, Австриянинг Грац медицина университети фахрий профессори, Буюк Британия Қироллиги Соғлиқни сақлаш Ассоциацияси, Европа болалар хирургияси ва Россия болалар хирургияси ассоциациялари аъзоси, академик А.В. Вишневский номидаги олтин медаль соҳиби, профессор В.П. Немсадзе номидаги мукофот лауреати, Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси.**

**ЭЪТИРОФ**

**Устознинг тинимсиз саъй-ҳаракатлар ва масъулиятли меҳнат машаққати билан тиббиёт соҳасида эришган мавқеи бугунги ёшларимиз, айниқса, бугунги кунда тизим фаолиятининг равнақи йўлида изланишлар олиб бораётган тиббиёт олимлари учун ибратли мактаб вазифасини ўтайди.**

Азамат Мухитдинович 1945 йилда Самарқанд (ҳозирги Навоий) вилоятининг Хатирчи туманида таваллуд топган. 1968 йилда Тошкент давлат медицина институтини тугатгач, илк фаолиятини Самарқанд вилояти Булунғур тумани марказий шифохонасининг хирургия бўлимида бошлайди. Сўнгра, Самарқанд давлат тиббиёт институти клиникаси болалар хирургияси бўлимида врач-ординатор вазифасида давом эттирди.

Ёш хирург фаолиятининг дастлабки йилларидан билим доирасининг кенглиги, ўткир зеҳни, қобилияти, қатъияти, хирургик маҳорати, беморларга бўлган эътибори ва меҳрибонлиги билан ажралиб турар эди. Шунинг учун у тез орада клиника жамоаси ва беморлар ўртасида катта обрў қозонди. Институт илмий мактабида сингдирилган хирургия амалиёти ва фанга бўлган иштиёқ унинг келажакда фан номзоди, ассистент, фан доктори, профессор даражасига етишишида муҳим омил бўлди. Зеро, А. Шамсиев Ростов-на-Дону медицина институтида мақсадли аспирантурани ўтаб, 1973 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. 1973-1976 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт институти болалар хирургияси кафедрасида ишлади. У бу даврда клиниканинг болалар хирургияси бўлими амалиётига бир неча янги технологияли даволаш-диагностика усулларини, жумладан, ўмров ости венасини катетерлашни жорий қилди. Бунинг натижасида бўлимда бемор болаларни хирургик даволаш даражаси кескин яхшиланди. Ёш олим бундан кейинги даврда ўзининг илмий тадқиқот ишларини 1977-1980 йилида Украинанинг Донецк болалар касалхонаси базасидаги медицина институти болалар хирургияси клиникасида врач ординатор лавозимида ишлаб давом эттирди. 1981-1982 йилларда Донецк медицина институти болалар хирургияси кафедрасида илмий докторлик илмий ишини ниҳоясига етказиб, 1983 йил "Болаларда ўткир деструктив пневмонияларни даволаш" мавзусида олиб борган ҳар томонлама чуқур илмий изланишларини якунлаб, ўша давр учун аниқ илмий хулосалар ҳамда тегишли амалий тавсияларни ишлаб чиқди ва докторлик дисертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ишлаб чиқилган янгиликлар болалар хирургияси клиникасида бемор болаларни даволашда ҳам муҳим аҳамият касб этди. Азамат Шамсиев 1985 йилдан ҳозирги кунгача Самарқанд давлат тиббиёт институти болалар хирургияси кафедраси мудири вазифасида самарали ишлаб келди. Унга 1987 йил профессор илмий унвони берилди.

1990 йил А. Шамсиевнинг ташаббуси билан ва унинг раҳбарлигида Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Болалар хирургияси илмий-ўқув-амалий бирлашмаси ташкил қилинди. Ушбу марказ нафақат Самарқанд вилояти, балки ҳудудда жойлашган яна бешта вилоят аҳолисига ихтисослаштирилган юқори малакали болалар хирургияси йўналиши бўйича тиббий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Марказнинг торакал хирургия, кардио-хирургия, урология, чақалоқлар хирургияси бўлимларида замонавий технологияли мураккаб операциялар айнан профессор А. Шамсиев томонидан бажариб келинади.

Прфессор А. Шамсиев бугунги кунда тиббиёт фанининг болалар хирургияси соҳаси бўйича ўзининг илмий-амалий мактабини яратган, дунёга танилган олимдир. Олим 1991 йилда Самарқандда биринчи бўлиб ёш болаларда туғма юрак пороклари операциясини бажарган. Шу билан бирга, урология ва абдоминал хирургияда эндоскопик диагностика ва даволаш усулларини жорий қилган. Бугунги кунда ҳам ҳар йили ўртача ҳажмда 400-500 та турли кўринишдаги мураккаб операцияларни амалга ошириб келмоқда. Унинг болалар хирургиясига оид 50 та ихтироси ва 44 та рационализаторлик таклифи республикамиз ҳамда Мустақил ҳамдўстлик давлатлари амалиётида кенг қўлланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Фан ва технологияларни ривожлантириш қўмитасининг 8 та амалий ва 1 та инновацион лойиҳалари устида илмий изланишлар олиб борган. Тиббиёт тизимининг етук мутахассиси, тиббиёт фанлари доктори Азамат Мухитдитнович 2004 йилнинг ноябрь ойида Самарқанд давлат тиббиёт институти ректори лавозимига тайинланди. Профессор А. Шамсиевнинг бевосита раҳбарлигида ва саъй-ҳаракатлари билан ўтган давр мобайнида Самарқанд давлат тиббиёт институтида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари бажарилди ва янги босқичда ҳам муваффақиятли давом эттирилмоқда. Жумладан, институтнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, институтда тиббий педагогика, олий ҳамширалик иши, стоматология, тиббий профилактика иши, фармация, тиббий биология ва тиббиёт коллежлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш факультетлари ташкил қилинди. Шунингдек, интернет тармоғига уланган замонавий ахборот коммуникация технологиялари маркази ишга туширилиб, вазирликлар ва хорижий олий таълим муассаслари билан видео-корпоратив алоқа ўрнатилган. Кафедралар ва тест маркази янги русумдаги компьютерлар билан жиҳозланиб, ўқув жараёнига тўлиқ электрон ўқитиш тизими жорий этилди. Ахборот ресурс маркази электрон ўқув-илмий адабиётлар билан бойитилди. Ўқув бинолари ва талабалар турар жойлари мукаммал таъмирланиб, уларда зарурий шароитлар тубдан яхшиланди. Ўқув жараёнига инновацион педагогик технологиялар жорий қилинди. Ўзбекистонда илк бор 2013-2014 ўқув йилидан тиббий таълимнинг масофавий электрон тизими ташкил этилиб, халқаро таълим стандартларига мос кредит-модул тизими амалиётга киритилди. Бугунги кунда институтнинг барча кафедраларида ўқув машғулотлари электрон таълим тизими материалларидан фойдаланилган ҳолда олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси "Tas-X" ягона интерактив хизматлар портали рейтингига кўра Самарқанд давлат тиббиёт институти хостларда ишлаш фаоллиги бўйича республикадаги ҳамда Россия Федерациясидаги 2000 дан зиёд ўқув юртлари ўртасида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Ўқув машғулотлари ўзбек, рус, инглиз (хорижий талабалар учун) тилларида олиб борилади. Институтнинг халқаро алоқалари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Азамат Шамсиевнинг ташаббуси билан Италиянинг Пиза, Австриянинг Грац тиббиёт университети, Болгариянинг София тиббиёт университети, Чехиянинг Прага ривожлантириш маркази, Корея Республикасининг Осиё тиббиёт институти, Сангжи университетининг традицион тиббиёт госпитали, Индже университетининг Ильсан Пайк тиббиёт госпитали сингари жаҳоннинг кўплаб тиббий олий ўқув юртлари ҳамда Россия Федерациясининг 11 та тиббиёт олий ўқув юрти ва 2 та илмий-текшириш институти, Грузиянинг Тбилиси давлат тиббиёт университети, Қозоғистон Республикасининг 3 та, Украина Республикасининг 4 та тиббиёт олий таълим муассасалари билан илмий ҳамкорлик шартномалари ва меморандумлар тузилди. Институт негизида кейинги уч йилда 10 та халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Ўрнатилган халқаро ҳамкорликлар натижасида кўплаб хорижий олий тиббий таълим муассасалари институт базаларида амалиёт ўтамоқда, Жанубий Корея Республикаси фуқаролари эса мазкур институтда таҳсил олмоқда. Профессор А. Шамсиев Самарқанд давлат тиббиёт институти ректори, Марказий Осиёда ягона болалар хирургияси илмий-ўқув-даволаш маркази директори ҳамда мамлакатимизда ва хорижда тан олинган юқори малакали хирург, соғлиқни сақлашни ва олий таълимни ташкил қилишнинг йирик намоёндасидир. Олим раҳбарлигида 35 нафардан зиёд шогирдлари докторлик ва номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилганлар. Устознинг тинимсиз саъй-ҳаракатлар ва масъулиятли меҳнат машаққати билан тиббиёт соҳасида эришган мавқеи бугунги ёшларимиз, айниқса, бугунги кунда тизим фаолиятининг равнақи йўлида изланишлар олиб бораётган тиббиёт олимлари учун ибратли мактаб вазифасини ўтайди. Олимнинг 15 дан зиёд монография, 3 та дарслик, 3 та ўқув қўлланмаси, 900 дан ортиқ илмий мақолалари нашр этилган. Олий тиббий таълим тизими учун ёзилган "Болалар хирургияси", "Хирургические болезни детского возраста" дарсликлари, россиялик олимлар билан ҳамкорликда яратилган "Лекции по детской хирургии", "Избранные вопросы хирургии детского возраста" номли маърузалар тўпламлари ҳамда "Острый и хронический гематогенный остеомиелит у детей" (2015 й.) номли монографиялари шулар жумласидандир. У Нью-Йорк Фанлар академияси, Россия медицина-техникаси академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ижевск тиббиёт академияси фахрий академиги, Австриянинг Грац медицина университети фахрий профессори, Буюк Британия Қироллиги Соғлиқни сақлаш Ассоциацияси, Европа болалар хирургияси ва Россия болалар хирургияси ассоциациялари аъзоси, академик А.В. Вишневский номидаги олтин медаль соҳиби, профессор В.П. Немсадзе номидаги мукофот лауреати, Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси. Профессор А. Шамсиев Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Соғлиқни сақлаш соҳасининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари билан 2017 йил 5 январь, 7 февраль, 30 март, 6 июль кунлари ўтказган учрашув ва йиғилишларида иштирок этиб, давлатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлашнинг бирламчи тиббий-санитария, шошилинч тез тиббий ёрдам, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам, дори-дармон таъминоти, тиббий таълимни ривожлантириш ва кадрлар малакасини ошириш, хусусий сектор каби соҳаларни ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш бўйича аниқ вазифалар ва топшириқлари ва уларга оид қабул қилинган Президент Фармони ва қарорларида белгиланган чора-тадбирлар ижросини институт фаолиятига татбиқ этиб келмоқда. Жумладан, профессор А. Шамсиев раҳбарлигида Жиззах вилоятининг Жиззах туманида Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича Қишлоқ врачлик пунктарини оптимизация қилиш ишлари муваффақиятли бажарилди. Унинг ташаббуси билан Самарқанд вилоятида туғиш ёшидаги аёлларни рўйхатга олиш, касалликларни аниқлаш ва соғломлаштириш бўйича компьютерлаштирилган Exel дастури асосида тизим яратилда ва амалиётга жорий қилинди. Институтнинг етакчи профессор ва доцентлари Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах ва Навоий вилоятларида Соғлиқни сақлаш тизимига амалий-услубий ёрдам кўрсатмоқдалар.

**Ҳозирги кунда профессор Азамат Шамсиев Самарқанд давлат тиббиёт институти Болалар хирургияси кафедраси профессори вазифасида ишлаб, илмий педагогик шогирдлар тайёрлаш, турли даражадаги оғир беморларни оператив даволаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, устозни қутлуғ ёшни қаршилаши билан муборакбод этамиз. Устозга оилавий хотиржамлик ва фаолиятига муваффақиятлар тилаб қоламиз.**

**Яхшинор АЛЛАЁРОВ.**
**Турсунпўлат ШОМУРОДОВ.**

Семинар

# ОЛИЙ ТАЪЛИМДА МАСОФАВИЙ «МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИ»

***Бугун мамлакатимизда ҳар бир соҳа фаолияти жадал ривожланиб, тараққиёт сари дадил одимламоқда. Табиийки, буларнинг барчаси мамлакатимиз мустақиллиги, истиқлол шарофатидир. Куни кеча эса халқимизнинг тенглар ичра тенг ҳуқуқли бўлишини, жамиятимиз фаровонлигини таъминлаш ва энг муҳими, фарзандларимиз келажагига мустаҳкам замин яратишнинг асосий омили ҳисобланган мамлакатимиз Мустақиллигининг 29 йиллигини нишонладик.***



Мамлакатимизда мустақиллик шукуҳи кезиб юрган бугунги кунда ёшларимиз онгида ватанни қадрлаш, шукроналик, меҳр-муҳаббат руҳини сингдирувчи "Мустақиллик дарслари" ҳар йили анъанавий равишда 2 сентябрь куни ўтказилиб келинади. Коронавирус пандемияси туфайли "Мустақиллик дарслари" бу йил биринчи марта онлайн тарзда ташкил этилди.

Хусусан, Тошкент тиббиёт академиясида мустақиллик дарсларини самарали ташкил этиш учун жорий йилнинг 28 август куни 121 нафар профессор-ўқитувчилар иштирокида "Зоом" дастури орқали онлайн режимда семинар ташкил этилди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган "Сен-қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!" ғояси остида ташкил этилган ушбу семинарда мустақил Ўзбекистонимизнинг шонли тарихи, истиқлол даврида амалга оширилган муваффақиятлар ва эришилган ютуқлар борасида батафсил маълумот берилди. Тадбир аввалида мустақиллик байрами арафасида, 27 август куни Тошкент тиббиёт академиясининг бир гуруҳ ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосида давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганлиги тўғрисида тўхталиб, Юқумли касалликлар кафедраси доценти Гулнора Худойқулова, Халқаро факультет декани Жаҳонғир Исроилов "Шуҳрат" медали билан, Анестезиология ва реаниматология кафедраси катта ўқитувчиси Равшан Шарипов II даражали "Саломатлик" ордени билан тақдирланиши халқ саломатлиги йўлида жонбозлик кўрсатаётган фидойи тиббиёт ходимларига Президентимиз ва халқимиз томонидан билдирилган ишонч ва юксак эътироф эканлиги таъкидланди. Шунингдек, олийгоҳнинг даслабки курсларида таҳсил олаётган Даволаш факультети 2-босқич талабаси Хусен Эгамовнинг "Мард ўғлон" кўкрак нишонига муносиб кўрилиши мамлакатимизда ёшларга бўлган алоҳида эътиборнинг олий намунаси эканлиги айтиб ўтилди.



Бундан ташқари, тадбирда академия жамоасига замонавий таълим йўналиши бўйича услубий-амалий тавсиялар берилиб, асосий масала бугунги пандемия шароитида барча тиббиёт ходимлари, шунингдек, ёшлар ватанпарварликка, давлатимизда нафақат ижтимоий, балки сиёсий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришда ҳам жонбозлик кўрсатишга чақирилди. Академиянинг барча профессор-ўқитувчилари, кафедра мудирлари, кафедраларнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича масъуллари ва академик гуруҳлар раҳбарларига "Мустақиллик дарслари"ни барча курсларда онлайн тарзда самарали ташкил этиш борасида услубий тавсиялар ва тегишли материаллар берилди.

Тадбир сўнгида Академиянинг маданият уйининг "Шифонаво" ансамбл жамоаси ва иқтидорли талабалари томонидан "Келинг, Ватанимизга қанот бўлайлик", "Мен Ўзбекистонда яшашим билан фахрланаман, Тиббиёт академиясида ўқишим билан ғурурланаман" шиори остида яратилган бадиий чиқишлар иштирокчилар эътиборига онлайн тарзда намойиш этилди.

**Турдиқул БОБОМУРОТОВ,**
**Тошкент тиббиёт академияси ёшлар ишлари бўйича проректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

Признание

# САМАЯ БЛАГОРОДНАЯ ПРОФЕССИЯ

***В нашей республике проживает немало замечательных людей, всей душой и сердцем служащих Родине, заботящихся о здоровье народа, показывающих своим примером верность выбранной профессии!***

В их числе организатор здравоохранения высшей категории, терапевт высшей категории, заведующий Сельским врачебным пунктом № 1 Карманинского района Навоийской области Рахматуллаев Махмуд Рахматуллаевич. Благодаря колоссальному опыту и прочным знаниям он заслужил уважение в коллективе. Среди коллег и пациентов невозможно найти человека, который не похвалил бы его за прекрасные человеческие качества, заботу об окружающих.



***РАХМАТУЛЛАЕВ МАХМУД РАХМАТУЛЛАЕВИЧ***
***Дважды кавалер ордена***
*«Соглом авлод учун» 2 – степени в 1994 году и*
*«Соглом авлод учун» 1 – степени в 2020 году*
*(«За здоровое поколение»),*
***организатор здравоохранения***
***высшей категории,***
***терапевт высшей категории.***

Родина по достоинству оценила его заслуги. На основании Указа Президента ШавкатаМирзиёеваот 27 августа 2020 года "О награждении в связи с двадцатидевятилетием независимости Республики Узбекистан группы работников медицинской сферы, проявивших самоотверженность в борьбе с пандемией коронавируса" Махмуд Рахматулаевнаграждена орденом "Со?ломавлодучун" I степени.

Рахматуллаев Махмуд Рахматуллаевич родился 13 января 1950 года в селе "Чуя" Нуратинского района Самаркандской области (ныне Навоийская область). В 1967 году Махмуд Рахматуллаев поступил учиться на лечебный факультет Самаркандского Государственного Медицинского института имениИ.П.-Павлова.

После успешного окончания института начинает работать в Центральной районной больнице города Кармана, а затем врачом-терапевтом ЦРБ Навоийского района. В 1979 году ему предложили возглавить Сельскую врачебную амбулаторию "Ибн Сино", где он проработал до 1983 года.

В 1982 году образовалась Навоийская область, открылся областной эндокринологический диспансер. Благодаря своим организаторским способностям, профессионализму, опыту в сельском здравоохранении Махмуда Рахматуллаева назначают главным врачом диспансера.

В 1988 году ликвидируется областной эндокринологический диспансер, Махмуд Рахматуллаевич возвращается в Сельскую врачебную амбулаторию "Ибн Сино", где и продолжает работать по настоящее время. В 2005 году сельская врачебная амбулатория "Ибн Сино" преобразована в сельский врачебный пункт "Ибн Сино" .

Махмуд Рахматуллаевич конкретный, исполнительный, не останавливающейся на достигнутом, постоянно работающий над собой специалист. Он значительно усовершенствовал первичную медико-санитарную помощь по принципу работы врача общей практики. Прошел десятимесячный курс специализации по программе Министерства здравоохранения как врач общей практики. В 1994 году в числе первых врачей награжден за профессионализм и высокие показатели в труде первым орденом независимой Республики Узбекистан **"Согломавлодучун" ("За здоровое поколение") 2 –степени".**

М.Рахматуллаев специалист компетентный, с высокой работоспособностью, с постоянным стремлением делать все наилучшим образом, с хорошим самоконтролем. У него ровный и спокойный характер, он открыт и доступен для людей, в нем высоко чувство долга перед обществом. Любит во всем порядок, тщательность, исполнительность.

В своей работе в СВП ему удалось добиться положительных результатов. Здесь созданы Паспорта врачебных участков, что позволяет анализировать качественный состав прикрепленного населения и иметь более полную информацию о состоянии здоровья жителей. Врачи имеют возможность уделять внимание не только пациентам из основных диспансерных групп, но и тем, кто входит в группы риска. В результате улучшилась профилактическая работа, произошли существенные положительные сдвиги в своевременном выявлении обострений хронических заболеваний.

Врачебный пункт оснащен современным диагностическим и физиотерапевтическим оборудованием, компьютерами. Работает дневной стационар. Активизировалась вакцинация, заметно оживилась санитарно-просветительская работа. Больше внимание уделяется работе с женщинами фертильного возраста, беременными и детьми. Махмуд Рахматуллаев считает свою работу интересной, крайне важной и необходимой людям.

Эксперт объяснила

# МОЖЕТ ЛИ КОРОНАВИРУС ПОПАСТЬ В КВАРТИРУ ПРИ ПРОВЕТРИВАНИИ



***Член штаба по борьбе с коронавирусом Барно Абдусаматова разъяснила, может ли Covid-19 попасть в квартиру при проветривании. Она заверила, что подобным путём коронавирус не передается, сообщает корреспондент Podrobno.uz.***

Вопрос о том, существует ли опасность заразиться при проветривании, был задан Абдусаматовой на брифинге в Ташкенте.

В своем ответе эксперт перечислила известные на сегодняшний день пути передачи вируса: в первую очередь, воздушно-капельным путём при кашле или чихании, вместе с каплями слюны или выделений из носа. Также коронавирус распространяется, когда больной касается любой поверхности, например, дверных ручек. Заражение происходит, если грязными руками прикоснуться к глазам, носу или рту.

**При проветривании вирус в квартиру попасть не может, подчеркнула Барно Абдусаматова.**

*Саховат*

# ТАДБИРКОРДАН МУНОСИБ ТУҲФА

***Фарғона вилояти Учкўприк туманида “Катта қашқар” маҳалла фуқаролар йиғини учун давлат-хусусий шериклик асосида қурилган замонавий бино фойдаланишга топширилди.***



Бугун нафақат шаҳарларда, балки қишлоқлар, энг чекка ҳудудларда ҳам бунёдкорлик ишлари қизғин паллага кирган. Замонавий уй-жойлар, хизмат кўрсатиш мажмуалари қурилиб, қишлоқ кўркига кўрк қўшилмоқда. Айниқса, бундай ишларда саховатли тадбиркорларнинг ўрни катта. Учкўприклик тадбиркор Иброҳимжон Холматов ҳам қишлоқдошларига янги биноларни туҳфа қилди.

– 32 хонадан иборат икки қаватли замонавий бинода қишлоқ оилавий поликлиникаси, профилактика инспектори хонаси ва кутубхона ҳам жойлаштирилган, – **дейди “Катта қашқар” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Иброҳимжон Холматов.** – Барча хоналар замонавий мебель жиҳозлари билан таъминланган. Шу билан бирга, Президентимизнинг 5 та муҳим ташаббуси ижроси доирасида кутубхонада ёшларга компьютер саводхонлигини ўргатиш учун компьютерлар ўрнатилиши ва интернетга уланиши режалаштирилган.




Ғарб ва миллий меъморчилик уйғунлашуви асосида бунёд этилган 2 қаватли замонавий бино қурилишига тадбиркор Иброҳимжон Холматов томонидан 3 миллиард 200 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган. Шунингдек, янги бино қарийб 100 миллион сўмлик мебель жиҳозлари билан таъминланди.

## ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИГА ТЎЛАНМАГАН ҚЎШИМЧА ПУЛЛАР УНДИРИЛДИ

**Коронавирус пандемияси даврида қатор соҳа ходимлари саломатлиги ва ҳаётини хавф остига қўйсада, касалланганларни даволаш, карантинда сақланаётганларга хизмат кўрсатиш, умуман, фаолияти билан боғлиқ ишларни сидқидилдан бажариб, касаллик юқиши ва тарқалишининг олдини олиш ишларида фаол иштирок этди.**

Бу борада, айниқса, тиббиёт ходимларининг хизмати ниҳоятда катта бўлди.

*– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги низомга мувофиқ соғлиқ учун хавфли ва меҳнат шароитлари оғир бўлган даврда иш олиб борган тизимдаги белгиланган йўналишлар ходимларининг лавозим маошига 15 фоиз миқдорда қўшимча ҳақ берилиши кўзда тутилган,* **– дейди Булоқбоши тумани адлия бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Э.Жулиев.** *– Шунга қарамасдан туман тиббиёт бирлашмаси томонидан бир қатор ходимларга қўшимча пуллар ўз вақтида тўланмаган.*

Тиббиёт бирлашмаси ходимларининг бу борадаги мурожаати туман адлия бўлими мутахассислари томонидан ўрганилди, муаммо қонуний тарзда ҳал этилди.

Ўтказилган мониторинг тадбирлари давомида туман тиббиёт бирлашмасининг 6 нафар ходимига қўшимча ҳақ тўлаб берилмаганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат бўйича туман Адлия бўлими томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Хўжаобод туманлараро судига тиббиёт ходимларига белгиланган тартибда қўшимча пуллар тўлаб берилиши юзасидан ариза киритилди. Суд буйруғига асосан, тиббиёт ходимларига жами 15 миллион 772 минг сўм миқдоридаги тўланмаган устама ҳақ ундириб бериладиган бўлди.

*– Адлия бўлими кўмаги билан ойлик маошимга қўшиладиган, лекин тўланмаган 2 миллион 563 минг 167 сўм миқдордаги қўшимча пулни оладиган бўлдим,* **– дейди туман тиббиёт бирлашмаси акушер-гинекологи Манзурахон Мамажонова.** – Қонун устуворлиги, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фаол бўлаётган адлия бўлими ходимларидан миннатдорман.

## ҚЎШМА КОРХОНА ВИЛОЯТ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИГА РЕАНИМОБИЛЬ СОВҒА ҚИЛДИ

***Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш тизимидаги махсус жиҳозланган замонавий реанимобиллар сони 19 тага етди. Куни кеча Ўзбекистон- Хитой «ASIA TRANS GAS» қўшма корхонаси томонидан пандемия даврида вилоят соғлиқни сақлаш соҳаси учун зарур бўлган «HYUNDAI H1» русумли тез ёрдам машинасини туҳфа этди.***



Бу реанимобиль аҳволи оғир беморларни даволаш муассасаларига етказиш давомида уларга шошилинч муолажаларни кўрсатиш имкони берадиган тиббий аппаратлар билан жиҳозланган.

Совғани топширишга бағишланган маросимда “ASIA TRANS GAS” қўшма корхонаси Бош директорининг ўринбосари Сунь Цянь, вилоят ҳокимининг ўринбосари Мирали Ҳамроев, Бухоро шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Ўткир Жумаев ва бошқалар сўзга чиқди. Тадбирда икки дўст давлат ўртасида турли соҳаларда стратегик шериклик алоқалари мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди. “Ўзбекистон-Хитой” газ қувурини қуриш ва фойдаланиш” лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилгани, мазкур магистраль трасса фаолиятини таъминлаш мақсадида қўшма корхона ташкил этилгани кўп томонлама ҳамкорлик доирасидаги муҳим натижалардан биридир. Таъкидлаш керак, «ASIA TRANS GAS» газ қувурлари ўтказилган ҳудудлардаги ижтимоий соҳа муассасаларига беғараз ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келаётир. Пандемия шароитида совға қилинган махсус реанимобиль тез ёрдам машинаси ва 40 дона кислород оксигенаторлари саховат намунасидир. – Вилоятдаги даволаш муассасаларини коронавирусга чалинган беморларнинг тезда соғайиши учун зарур бўлган турли техника ва жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир, **– дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Илҳом Нарзиев.** – Айни пайтда бу муҳим ишга ҳомийлар ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Жумладан, вилоятдаги тўқимачилик-пахтачилик кластерлари ва бошқа қатор ташкилотлар томонидан 500 донадан ортиқ кислород оксигенаторлари совға қилинди.

**ЎзА хабарлари**

## РЕКОМЕНДАЦИИ ПО ВЕДЕНИЮ ЛЕГКОЙ ФОРМЫ COVID-19

Эти рекомендации универсальны для всех взрослых, включая беременных. Напомним, что для детей дозы подбираются по возрасту и весу.

1. Обильное питьё - ВАЖНО!

Помимо воды можно любые другие жидкости: чаи, морсы, компоты, шиповник, бульоны и т.д.

2. Витамин D - 2000-4000 МЕ в сутки;

3. Аскорбинка (Витамин С) - 500 мг/сут;

4. Цинк - 20 -25 мг/сут;

Можно принимать Цинк, Селен и Магний в комплексе витаминов. Витамины необходимо пить до одного месяца.

5. Если появятся боли в горле, можно полоскать физраствором, антисептиками или принимать рассасывающие пастилы от боли в горле.

6. Если заложен нос, можно орошать солевыми растворами или морской водой. При сильной заложенности можно использовать назальные спреи с ксилометазолином (снуп/оторван/риноскоп и др) не более 3-4 р/д, не более 5 дней.

7. Наблюдение до 10 дней - ВАЖНО!

8. Если появляется сухой кашель, принимать Синекод по 15 мл 4/день или Каделак по 1 таб 3/день.

9. Спокойствие - ВАЖНО!

Необходимо попить успокоительное, если чувствуете, что паникуете.

10. Большинство людей (80-85%) переносят болезнь легко.

При этом, если состояние больного ухудшается, необходимо сообщить врачу.

Рекомендуется делать дыхательную гимнастику (парадоксальное дыхание), чаще лежать на животе, при затруднении дыхания. В среднем заболевание длится около недели - от 2 до 14 дней.

После выздоровления можно продолжать принимать витамины.

Контактировать с окружающими можно через 3 дня после выздоровления.

Необходимо помнить, что при респираторных вирусных инфекциях температура 37,2-37,5, иногда кашель и слабость могут держаться довольно долго. У некоторых до 1-2 месяца, в зависимости от тяжести течения, сопутствующих заболеваний и лечения, которое получали.

В единичных случаях обоняние и вкус тоже могут восстанавливаться долго. Но обычно они возвращаются в течение 1-2 недель.

**“Врачи Ташкента”.**

*Реформы здравоохранения*

# В ЦЕНТРЕ ВНИМАНИЯ – ЗДОРОВЬЕ НАСЕЛЕНИЯ

***В Ташкентской области принимаются безотлагательные меры по предотвращению распространения коронавируса, защите здоровья граждан.***




На эти цели выделяются огромные финансовые средства, мобилизуются все имеющиеся материально-технические и кадровые ресурсы.

– Мы полностью контролируем ситуацию, действуем согласно установленному графику, – рассказывает главный врач Центра санитарно-эпидемиологического благополучия Юкоричирчикского района Хайрулла Мукимов. – Проводим широкую разъяснительную работу среди населения, организовываем учебные семинары, видеоконференции в режиме онлайн.

В настоящее время в Юкоричирчикском районе проживают около 134 тысяч человек. Более половины из них – молодежь в возрасте до 30 лет. Врачи и эпидемиологи прилагают все усилия для защиты бесценного человеческого капитала, налаживают контакты с коллегами из республиканских специализированных центров, расширяют сотрудничество с представителями различного уровня лечебных заведений.

В ходе беседы заведующий лабораторией центра Хайриддин Тожибоев рассказал об осуществляемых мерах по подготовке общеобразовательных школ к приближающемуся учебному году.

– Впереди перед нами стоит непочатый край работы, – говорит он. – На сегодняшний день в 42 общеобразовательных школах района знания и опыт 24 тысячам учащихся передают около 1 800 учителей и наставников. Чтобы предотвратить распространение опасного заболевания наши специалисты неустанно проводят тестирование. В этом важном деле участвует весь коллектив центра, состоящий из 42 человек. В их числе эпидемиологи, дезинфекторы, лаборанты.

Также необходимо отметить бдительность и гражданскую ответственность председателя махаллинского схода граждан "Истиклол" Абдурашида Хаитова и аксакала махалли "Нурафшон" Дильшода Мирзаева.



При поддержке государства недавно сюда поступили 2 автомобиля марки "Дамас". По инициативе хокима Юкоричирчикского района Ускенбая Атемова для нужд центра приобретены защитные комбинезоны, дезинфицирующие средства, антисептические приборы общей стоимостью 88 млн. сумов. В настоящее время они эффективно используются на предприятиях и организациях, в образовательных учреждениях и лечебных заведениях. Вскоре в центр дополнительно будут завезены современный термостат и цифровой микроскоп.



Специалисты центра вместе с работниками районного отдела по чрезвычайным ситуациям, врачами районного медицинского объединения регулярно проводят дезинфекцию улиц и домов всех 47 сходов граждан, дехканского рынка, супермаркетов, а также государственных предприятий и учреждений. На эти цели все необходимые технические средства предоставляются Ташкентским областным центром санитарно-эпидемиологического благополучия.

На эпидемиологах и дезинфекторах районного центра лежит огромная ответственность за поддержание на должном уровне состояния, рассчитанной на 16 тысяч койко-мест специальной карантинной зоны, расположенной на территории схода граждан "Нурли замин". В целях оказания качественных медико-санитарных услуг больным здесь налажено круглосуточное дежурство.

В целях дальнейшего улучшения качества работы руководство Центра санитарно-эпидемиологического благополучия Юкоричирчикского района планирует расширить кадровый состав, привлечь молодых и инициативных специалистов.

**Хамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ.**
**Фото автора.**

# ЛЕЧЕНИЕ COVID-19 ДОЛЖНО ОСНОВЫВАТЬСЯ НА ДОКАЗАТЕЛЬНОЙ МЕДИЦИНЕ

***Национальная палата инновационного здравоохранения Республики Узбекистан и Институт имени Роберта Коха (Германия) будут сотрудничать в такой области, как подготовка Клинических протоколов, основанных на доказательной медицине.***

Особую важность эта работа имеет сейчас для лечения больных с COVID-19, когда применение тех или иных лекарственных препаратов необходимо сверять с международным опытом, накопленным специалистами разных стран за месяцы пандемии и аккумулированным в рекомендациях Всемирной организации здравоохранения.

Схожесть данной точки зрения была подчеркнута в ходе видеоконференции, проведенной в начале сентября по инициативе Германского Института имени Роберта Коха для специалистов Национальной палаты. Онлайн обсуждение стало частью цикла партнерских встреч двух сторон, начало которому было положено 13 мая т. г.

Как отметила представитель Института им. Р.Коха Евгения Боклейдж, под эгидой этого авторитетного исследовательского учреждения активно работает сеть инфекционных клиник Германии. Национальная палата была приглашена к сотрудничеству с данной сетью, что поможет продуктивной работе по Временным клиническим руководствам по COVID-19 с учётом опыта германских специалистов, а также их широкого круга профессионального общения. Безусловно, рекомендации, которые аккумулирует в процессе пандемии Германский Институт им. Р.Коха, находят отражение и в документах Всемирной организации здравоохранения, которыми руководствуются в борьбе с пандемией врачи в разных странах мира.

Опыт Узбекистана, те Временные рекомендации по ведению пациентов, инфицированных COVID-19, которые сегодня используются в стране, интересовали германских участников видеоконференции Бьёрна Енсена и Тимо Вульфа. Представляющие клиники Дюссельдорфского и Франкфуртского университетов, они недавно побывали в Узбекистане и теперь поделились своим опытом ведения больных с COVID-19. Их вопросы в ходе видеоконференции касались частоты применения различных препаратов, назначаемых доз, учета особенностей пациентов при этом, учета рекомендаций ВОЗ. Время, предназначенное для видеоконференции, не вместило всех вопросов участников друг к другу, диалог сторон решено продолжить при расширенном составе участников.




Учитывая современные реалии, сторонами была подчеркнута необходимость обмена мнениями для принятия тех клинических руководств и протоколов, которые в силу своей обоснованности на доказательной медицине, наилучшим образом действуют во благо пациентов. Совместная работа в данном направлении будет продолжена.

Добавим, что разработка "современных клинических руководств и протоколов, стандартов качества диагностики и лечения, а также стандартов материально-технического оснащения, осуществление мониторинга за их своевременным внедрением" является одной из основных задач Национальной палаты инновационного здравоохранения Республики Узбекистан, исходя из постановления Президента Республики Узбекистан "О мерах по внедрению инновационной модели управления здравоохранением в Республике Узбекистан" (№ПП-3894 от 2.08.2018 года).

С целью реализации данной задачи, поставленной перед новой госструктурой главой государства, 23 декабря 2019 года Министерством здравоохранения и Национальной палатой инновационного здравоохранения было издано Совместное постановление (рег.номер №59 от 23.12.2019 г.), которым утвержден порядок организации разработки Национальных клинических протоколов (НКП).

**Пресс-служба Национальной палаты инновационного здравоохранения Республики Узбекистан.**

# ВАКЦИНА КИМЛАРГА ҚИЛИНАДИ? МУҲИМ САВОЛЛАРГА АНИҚ ЖАВОБЛАР

**Жорий йилнинг 26 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорни имзолаган эди. Ушбу қарорда мамлакатдаги умумтаълим мактаблари директорлари, ўқитувчилари ва бошқа ходимлари жорий йилнинг 1 октябрига қадар гриппга қарши эмланиши назарда тутилган эди. QALAMPIR.UZ мазкур қарор асосида олиб борилаётган ишлар юзасидан Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Ботир ҚУРБОНОВ билан суҳбатлашди.**



**– Ботир Жўрабоевич, Президент қарори ижросини таъминлаш мақсадида кимлар грипп вирусига қарши эмланади?**

– Президент қарори асосида барча мактаб ходимлари ва мактабгача таълим вазирлиги ходимлари грипп касаллигига қарши эмланиши кўзда тутилган. Ҳар йили куз-қиш мавсуми олдидан Санитария ва эпидимиологик осойишталик агентлиги томонидан фуқаролар грипп ва ўткир респиратор касалликларга қарши эмланиши тўғрисида тушинтириш ишлари олиб борилади. Улар ўз ҳисобларидан ушбу касалликларга қарши эмланиши назарда тутилган. Истисно тариқасида, сурункали касаллиги бор, 60 ёшдан ошган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва қариялар уйида яшовчилар бепул тарзда эмланади. Бу касалликка қарши эмлашда фуқаролар ўзларининг соғлиғига бефарқ бўлмаган ҳолда ёндашиши керак бўлади.

**– Грипп вирусига қарши вакцина билан эмланганда организмда қандайдир реакциялар кузатилиши мумкинми?**

– Албатта, ҳар бир вакцина организм учун ёт жисм ҳисобланади. Организм унга қарши иммунитетининг ривожланиш жараёнида маълум даражада реакциялар бўлади. Одамга бирор вакцина юборилгандан сўнг, унда умумий ҳолсизлик ва 37 С ° гача бўлган истма кузатилади. Лекин, одам танасида грипп касаллигини клиник белгилари билан кечувчи белгилар намоён бўлмайди. Енгил белгилар билан кечиши эса ушбу касалликка қарши иммунитетнинг шаклланаётганидан дарак беради.

**– Вакцина эмлангандан кейин клиник белгилар неча кунгача давом этиши мумкин?**

– Албатта, ҳар бир вакцинанинг ўзига хос белгилари бор. Ҳар қандай вакцина билан эмлангандан кейин, организмда ўртача иммунитет шаклланиши 28 кунгача давом этади. Ушбу вакцина билан эмлангандан сўнг одам организмига қараб 2-3 кунда намоён бўлади. Лекин бу жараён ҳозирча 1 ойгача кузатилгани йўқ.

**– Жорий йилнинг 1 октябрь санасига қадар қанча фуқаро грипп вирусига қарши эмланади?**

– Ушбу вакцина билан 1 миллион 200 мингдан ортиқ фуқаролар эмланиши кўзда тутилган. Шу билан бирга, аҳоли ўзининг ҳоҳиши билан эмланиши ҳам мумкин. Грипп вирусига қарши вакцина билан 3 ойлик чақалоқлардан тортиб, қарияларгача эмланишига рухсат бурилган. Ушбу вакцина билан эмланганларда 1 йил давомида грипп касаллигига чалинмаслик ҳолати кузатилади. Барча вакцина олиш итагидаги фуқаролар хусусий эмлаш марказларига мурожаат қилишлари мумкин.



**– 1-синфдан то 9-синфгача бўлган ўқувчилар грипп вирусига қарши эмланадими?**

– Грипп вирусига қарши эмлаш жараёнида ўқувчилар иштирок этмайди. Фақатгина хоҳловчи ота-оналар хусусий эмлаш марказларига олиб борган ҳолда эмлатишлари мумкин.

**– Оммавий эмлашдан аввал вакцина олувчилар қандайдир тиббий кўрикдан ўтиши зарурми?**

– Албатта, ҳар қандай вакцинани олишдан аввал, эмланувчилар бирламчи тиббий кўрикдан ўтишлари зарур. Бирламчи тиббий кўрикда беморнинг грипп касаллигининг бирламчи клиник белгилари бор ёки йўқлигига қараб соғлом шахсларгина эмланиши мумкин. Агарда эмлаш олувчида юқори истма, бурундан сув оқиши, умумий ҳолсизлик, тананинг увишиш ҳолатлари кузатилса, бу вакцина билан эмлаш бефойда бўлади.

**– Коронавирусдан соғайган беморлар ҳам ушбу вакцина орқали эмланиши мумкинми?**

– Албатта! Грипп вирусига қарши вакцина билан эмлаш организмда вирусга қарши иммун тизимининг кучайишига олиб келади. Уларга грипп касаллиги юққан тақдирда ҳам енгил кечиши мумкин.

**– Грипп вирусига қарши вакцина кимларга тавфсия этилмайди?**

– Грипп касаллигига чалинган беморларга ушбу вакцина буюрилмайди. Сабаби, вирус билан курашаётган пайтда ушбу вакцина организм учун ёт бўлади. Грипп касаллиги билан оғриган беморларнинг ўзида қўшимча иммунитет пайдо бўлади.

# ПАНДЕМИЯ: ЎҚУВ МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ?

***Пандемия даврида ўқув марказларини фаолият олиб бориши учун хонадаги ўқувчилар сони 10-15 нафардан ошмаслиги зарур. Ҳар бир қаватда қўлларни совунлаб ювиш учун шароитлар яратилган бўлиши зарур. Коронавирусга қарши кураш штаби аъзоси Севара Убайдуллаева бир қатор муҳим қоидаларни маълум қилди.***



Штаб аъзосининг сўзларига кўра, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан пандемия шароитида ташкилотлар ва корхоналар, жумладан хусусий мактаб ва боғча, шу билан бирга хусусий ўқув марказларда иш фаолиятини ташкил этиш борасида вақтинчалик санитария қоидалари ва меъёрлари тасдиқланган.

**Мазкур санитария қоидалари ва меъёрлари асосида хусусий мактаблар, боғчалар ва ўқув марказларга қуйидагилар белгилаб берилган:**

*– барча корхона ва ташкилотларда ташриф буюраётганларни филтрдан ўтказиш (тана ҳароратини ўлчаш, антисептик воситалари билан қўлларга ишлов бериш), шу билан бирга агар имконият бўлса ниқоблар ва қўлқоплар билан таъминлаш;*

*– ҳар бир қаватларда антисептик воситалари билан қўлларни ишлов бериш ёки қўлларни совун билан ювиш имкониятларини яратиш;*

*– кундалик хлор таркибли воситалар билан тозалов ишларини олиб бориш ва белгиланган тартибда давлат Санитария эпидемилогия назорати билан келишган ҳолда бирламчи ва кейинчалик шартнома асосида биноларни дезинфекциялаш;*

*– дарсларни ташкил этиш борасида – 2 метрлик масофани сақлаган холда таълим олувчиларни жойлаштириш, бунда аудиторияларни катта кичиклигидан келиб чиққан ҳолда таҳсил олувчилар сони 10-15 тадан ошмаслиги керак;*

*– барча ўқувчилар ниқобда бўлишлари керак ва ҳар 2-3 соатда ниқобларни алмаштириш талаб этилади;*

*– хоналарни кунига 2-3 марта шамоллатиш;*

*– дарслар давомийлиги ўқув маркази белгилаган тартибда ўтказилади, лекин 30-40 минут оралиғида хоналарни шамоллатиш учун ўқувчиларга танаффуслар бериш;*

*– имкон булса, барча дарслар тугаганидан сўнг хоналар ҳаволарини КВАРСлаш тавсия этилади.*

**Саҳифа материалларини Аҳрорбек ХАЙРУЛЛАЕВ тайёрлади.**

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371) 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 1069 нусха.
Буюртма Г-950.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.